

**ЧУЗИЛГАН
УЙ
ЖАНЖАЛИ**

(1-2-3-саҳифаларда)

**ИСЛОҲОТЛАР
САМАРАСИ**

(1-4- саҳифаларда)

**ОТАЖОН
ХОФИЗНИНГ
БАҲТИ**

(4-саҳифада)



Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг таклифи билан 15 август куни Қирғизистон Республикаси Бош вазири Николай Танаев раҳбарлигидаги ҳукумат делегацияси амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.

● Тошкентда Олий Мажлис Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва озиқ-овқат кўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

● Вазирлар Маҳкамасида 2003-2004 йилнинг кўзги-қишки мавсумига тайёрлик ҳақида иқтисодий тarmoқлари ва аҳолини иссиқлик энергияси билан таъминлаш масаласига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● Тошкентда Ватанимиз мустақиллигининг ўн икки йиллигига бағишланган «Ўзбекистон кўшк байрами» Республика танлови акунланди.

● Нукусда Ўзбекистон халқ артисти Отажон Худойшукров хотирасига бағишланган «Нафосат - бўстоним меним» ёш кўшкчиларнинг III республика кўрик-танлови акунланди.

● Мустақиллик байрами арафасида Навбахор туманининг Алишер Навоий номидаги ширкат ҳўжалигига қарашли қишлоқларга тоза ичимлик сув келтирилди.

● Республика кўз касалликлари клиник шифохонасида витреоретинал жарoҳлик масалаларига бағишланган илмий семинар бўлиб ўтди.


● Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 12 йиллик байрами арафасида Эллиқалъа туманида замонавий ёғи спорт мажмуи фойдаланишга топширилди.

● Қарши шаҳрида АКШнинг IREX Халқаро илмий тадқиқотлар ва олимларни айирбoшлаш Кенгашининг «Ўзбекистон мактабларида Интернет» дастури тақдими бўлиб ўтди.

● Навоий шаҳридаги «Гулзор» маҳалласида янги спорт мажмуаси болалар ихтиёрига топширилди.

● Наманган шаҳридаги «Шохрух» шахмат-шахка клубида машур шахматчи ва жамоат арбоби Мамажон Муҳиддинов хотирасига бағишланган аънавий шахмат турнири акунланди.

● Наманган вилоят халқ истеъмоли моллари марказида кўз-киш мавсуми кийим ва пойабзаллари ярмаркаси очилди.



Гулистон шаҳридаги «Зилола» очик турдаги акционерлик жамиятида ишлар қизғин. Бу ерда 2003 йилнинг июл ойига қадар 118 тонна ип қалаваси ишлаб чиқилиб, барча маҳсулот хорижга экспорт қилинди.

СУРАТДА: жамият ходимлари маҳсулот сифатини кўздан кечиришмоқда. Б.АКРАМОВ олган сурат.

ҲАШАР УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТДИ

Тантанали кунларга, тўро-томошаларга ўзгача руҳда тайёрлик қилиш халқимизнинг азалий қадриятларидан биридир.

Бундай шодиёналарни муносиб нишонлаш мақсадида барчани ҳашарга қорлаб, теварак-атроф, ҳовли-жойларни тартибга келтириш, кексалар ва меҳр-муруватга муҳтожлар ҳолидан хабар олиш каби эзгу аъналар янги мазмун билан бойиб бормоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг бу борада «Обод маҳалла йили» дастурида белги-ланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 12 йиллигини нишонлашга пухта тайёрлик қилиш, юртимизда санитария-эпидемиологик аҳоли янада яхшилаш, маҳаллалар, маззелар ва аҳоли гавжум жойларни ободонлаштириш ишларини ташкил этишга қаратилган фармойишда белгилаган вазифаларни амалга оширишни аҳамияти катта.

Мазкур фармойишга биноан мамлакатимизда август ойида «Маҳалла обод - Ватан обод» широйи остида ободонлаштириш ва тазолик ойлиги давом этади. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида бу борада аниқ таъбирлар режаси ишлаб чиқилиб, амалга оширилади.

Ободонлаштириш ва тазолик ойлиги доирасида юртимизда 16 август куни умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди.

Ҳашарни уюшқоқлик билан ўтказиш, унга кенг халқ оммасини жалб этиш мақсадида тузилган Республика ишчи гуруҳидан олинган маълумотга кўра, умумхалқ тадбирида тўққиз миллион нафардан кўпроқ юрдошимиз иштирок этган.

Шу куни 27 миллион квадрат метрдан зиёд майдон ободонлаштирилди. Минглаб тул гул қўчалари ўтқазилди. Арик, зовур ва бошқа сув йўллари тозаланди. Дарахтларга шакл берилиб, оқланди. Болалар ўйин майдонлари, спорт мажмуалари, зиёратгоҳ ва қабристонлар тартибга келтирилди.

Умумхалқ хайрия ҳашари мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудуди, ташкилот, қорхона, муассаса ва маҳалласида кўтарилиб боради. Шу куни амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар Республика ишчи гуруҳига етказилиб турилди. Бундан халқимизни доимий хабардор этиш мақсадида телевидение ва радио каналлари орқали тинимсиз маълумот бериш йўли қўйилди.

Шу куни ишлаб топилган барча маб-лаб «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳисоб рақамига ўтказилди. Бу хайрия ёрдами маҳаллалар фаолиятини ривожлантириш, унинг ёшлар камолотидаги ўрни ва ролини қўлайтириш, халқимизнинг ақтиёж-манд қисмини қўллаб-қувватлаш, кекса-лар, оналар ва болалар саломатлигини муҳофазалаш, иқтисодий ҳимоялаш, маҳаллаларда оммавий спорт турларини ривожлантиришга йўналтирилди.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири.

АТИГИ ЮЗ САТР

Одатда, рус тилида қўлланиладиган «господин», «дама» каби сўзлар ўзбекчага «жаноб», «хоним» тарзда ўғирилган.

МУРОЖААТ ҚИЛИШНИ БИЛАМИЗМИ?

Бирок, негандир улар қундалик истеъмолда унчалик фаол ишлатилмайди. Тўғрироғи, шу каби сертаклиф мулозиматларни ишлатишга ҳам, эшитишга ҳам кўнжмаганимиз. Қиринки руҳда ўтди. Шу куни амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар Республика ишчи гуруҳига етказилиб турилди. Бундан халқимизни доимий хабардор этиш мақсадида телевидение ва радио каналлари орқали тинимсиз маълумот бериш йўли қўйилди.

Шу куни ишлаб топилган барча маб-лаб «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳисоб рақамига ўтказилди. Бу хайрия ёрдами маҳаллалар фаолиятини ривожлантириш, унинг ёшлар камолотидаги ўрни ва ролини қўлайтириш, халқимизнинг ақтиёж-манд қисмини қўллаб-қувватлаш, кекса-лар, оналар ва болалар саломатлигини муҳофазалаш, иқтисодий ҳимоялаш, маҳаллаларда оммавий спорт турларини ривожлантиришга йўналтирилди.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири.

ДОВОН ОШГАНЛАР ДОВОНДА УЧРАШДИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллик байрами арафасида ижодкорлар - шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар юртимиз бўйлаб сафарга чиқиб, халқимиз ҳаёти, уй-фикрлари, жойларда амалга оширилаётган кенг миқёсдаги ислохотлар жараёни, бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишмоқда. Меҳнатқашлар билан учрашувлар, мулоқотлар ўтказилди. Шу кунга қадар Қашқадарь, Сурхондарь, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида шундай учрашувлар бўлиб ўтди.



Бу гал ижодкорлар йўлсозлар ҳузурига, Қамчиқ довоғига отланди. Мамлакатимиз мустақилликка эришган, йўлларни таъмирлашга, янги йўллар қуришга алоҳида эътибор қаратилди. Юртбошимизнинг бевосита раҳнамолигида бу борада мислсиз ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Қарамони, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов бошчилигидаги адиблар дастлаб пойтахтимизда, кичик халқа йўлида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Ижодкорлар Ангрэн йўллардан

мунтазам фойдаланиш бошқармасида очилган «Немис технологиялари маркаси»да бўлди. Бу ерда мамлакатимизнинг барча ҳудудидан келган йўлсозлар малага оширилади. Уларга Германиялик етук мутахассислар геодезия, лойиҳалаш, замонавий технологияларни бошқариш юзасидан сабоқ бермоқда.

Ижодкорлар тушган автобус довоғига ўрлайди. Йўлнинг энг юксак чўққиси баландлиги 2268 метр баландликдан ўтган. Кафдетек текис йўл, виқоринг тоғлар, пойингиздаги мой кўл, қўм-қўқ арчалар тароватига қараб тўймайди киши.

Довон йўли. Бу йўл илгари ҳам одамларга хизмат қилиб келган. Шарқ ва Ғарбни боғлаган. Аммо унинг ҳақиқий қиёфаси мустақиллик йилларидагина намойиш бўлди. Фарғона водийсини Тошкент билан боғлайдиган энсиз, киш оёғларида ҳатто ёпилиб қоладиган тоғ йўлларини жаҳон андозалари да-

ражасига етказиш масаласи 1996 йили кун тартибига қўйилган эди. Қисқа муддатда мавҳуд йўлни қайта таъмирлаш ва Қамчиқ ҳамда Резак довоғларни тағдиринг туннеллар ўтказиш лойиҳаси ишлаб чиқилди. 1997 йилдан эса амалий ишлар бошланди. Вазифа уч йилда удаланди. Транспорт қатнови тўхта-тилмасдан йўл кенгайтирилди. Умумий узунлиги 2484 метр бўлган тўртта туннел қазилди.

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов Тошкент-Уш автомобиль йўлининг Қамчиқ ва Резак довоғларидаги туннеллар қурилиш катнашчиларига йўллаган табрида ушбу йўл Буюк Ипак йўлининг муҳим бўғини, қўллаб халқларни бир-бирига яқинлаштирувчи дўстлик ва биродарлик, тинчлик ва ҳамкорлик йўли бўлиб қолишини алоҳида таъкидлаган эди.

Ижодкорларни ер ости йўли дарвозаси олдида Фарғона водийси ва пойтахт вилояти меҳнатқашларининг вакиллари, йўлсозлар кўти олди. Улар Қамчиқ ва Резак туннелларни кўздан кечирди, йўлсозлар, ишчилар, мутахассислар, муҳандис-лойиҳачиларнинг мардонавор меҳнати билан танишиди, улар билан дилдан суҳбатлашди.

Учрашувда сўзга чиққанлар, Ўзбекистон Қарамони Абдулла Орипов таъбири билан айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларининг Бош муҳандиси Ислам Каримов юрттаётган оқилона, одилона сиёсат туфайли мамлакатимизда буюк ўзгаришлар юз берганини бу жараёнда йўлсозларнинг ҳам сал-

қан ишларини амалга ошираётганини кўнардидир. Чунки бу йўл муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлиб, Европа ва Осиёни бир-бирига боғлайди.

Жуманиёв Жабборов, Нормурод Нарзуллаев, Ҳабиб Садыллов, Тулан Низом, Сирожиiddин Сайид каби танлиқ шоирларнинг она-Ватан, истиқлол, бунёдкорлик ҳақидаги шеърлари, самимий суҳбатлар йўналганларга манзур бўлди. Йўлсозлар бундай учрашувлар уларни янги-янги меҳнат зафарларига қорлашини таъкидлади.

Тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Бош вазир ўринбосари Р.Юнусов иштирок этди.

Воҳид ЛУКМОНОВ,
ЎЗА мухбири.

СУРАТЛАРДА: учрашув пайти. А.ТўРАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

СУД ҚАРОРИ НЕГА БЕКОР ҚИЛИНДИ?

Кишлоқ оқсоқоли (расман айтганда, кишлоқ фуқаролар йиғини раиси) ўз қишлоғининг ҳам отаси, ҳам онаси. У ўз ҳудудидagi одамлар - кекса-ю ёш, болалар, оналар ҳаётига, турмушига бирдек масъул, дахлдор шахс.

Ана шундай пайтда юрт отаси оқиллик билан, етти ўлчаб бир кекса, ишга соф виждон билан ёндашиб, адолат таразини тенг тутган ҳолда ҳўжали бир қарорга келса қўла-хўп. Акинча бўлса-чи? Қош қўяман деб кўз чиқарса-чи? Ана унда одамлар орасида норозилик пайдо бўлади. Турли идораларга югур-югур «ёзди-чизди»...

**ЖУРНАЛИСТ
СУРИШТИРУВИ**

Қараб турибсиз-зиманган бир ҳаракат билан бажо этилиб, олам гулистон бўлиши керак бўлган кичик бир воқеа кун ўтган сари каттариб, «семириб» туман, вилоят, ҳатто мамлакат миқёсидagi идораларга чизиб боради.

Чуст туманининг тоғли Гова қишлоғида бўлиб ўтган ва... ҳали-ҳануз давонм этаётган бир можаро ҳам, шубҳасиз, ҳудди шу тарихка рўй берган. Бу қандай можаро дейсизми? Унда, эшитинг.

Бундан ролпа-роса 27 йил муқаддам тумандаги ўша пайтда «Партия XXII съезди» деб номланган ҳўжаликка «Коммунизм» (ҳозирги «Говасой») ҳўжалиги раиси Ғанижон ака Эргашев Холмат ва Муҳаррам Нурматовларни излаб боради. Нафақат Говада, балки Чустдек туманда ишини қойиллатиб, «мана-ман» деб қариллаб юрган «раис бува»нинг бу ташрифи бежиз эмасди. Асли говалик бўлган Нурматовлар оиласи ўша пайтда дондор, миришкор қорвдорлар бўлиб, «раис бува» қайси йўл билан бўлмасин уларни ўз томонига «огдириб», ҳўжалик чор-васини оёққа турғизишни мақсад қилганди.

(Давоми 2-3-бетларда)

БОЛАЛАР СПОРТИ

Ўзбекистон - курашчилар ватани. Миллий спортимиз билан бирга таэквандо, у-шу, айкидо, каратэ, самбо, дзюдо сингари кураш турлари ҳам тез суръатларда ривожланиб бормоқда.

Ҳамюртларимизнинг халқаро турнирларда юқори натижаларга эришаётгани, Ўзбекистон байроғини баланд кўтаришаётгани қувон...

ЧЕМПИОНЛАР - ФАҲРИМИЗ

члидир. Жаҳон биринчиликларида голиб чиққан ёшларимизнинг «бу галабани ўзбек халқига, Президентга бағишладим», деган сўзлари барчамизни гурурлантиради.

Мамлакатимизда Болалар спортини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилаётгани нафақат биз мураббийларни, балки юрғида спортга нисбатан ўти бор бутун кишлоқ болаларини ҳам бағоят шод этди.

(Давоми 4-бетда)

ҲАР КИМ ЎЗ ИШНИ БАЖАРСИН

Этироф этиш керак, иқтисодий ислохотлар туфайли кишлоқ ҳўжалиги тизимида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бирмунча ошди, четдан озиқ-овқат маҳсулотларини олиб келиш кескин қисқарди. Мамлакат галла мустақиллигига эришди. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда барқарорлик таъминланди. Ҳақоннинг ерга, мулкка ва меҳнатга бўлган муносабати ўзгарди. Эндиликда у ёлланма ишчи эмас, мулк эгаси сифатида меҳнат қилмоқда. Мустақилликнинг 12 йиллиги - шу қисқа давр кишлоқ аҳлининг ҳаёти, турмушига бекибс ўзгаришлар олиб кирди. Тизимда арзигулик натижаларга эришилди.

Бу ютуқлар ҳақида Президентимиз И.А.Каримов шу йилнинг 18 июл куни республика Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «2003 йил йиллигида мамлакатимизнинг биринчи ярим йилининг иқтисодий ҳақидаги аҳолининг ҳақидаги натижаларига эришилди» ҳақидаги маълумоти билан бир қатарда эътибор берди.

Кишлоқ ҳўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган «Кишлоқ ҳўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармонининг ижросига алоҳида эътибор берди.

Фармон аграр соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг яқинларини сарҳисоб қилиб, соҳани ривожлантиришнинг янги вазифаларини белгилаб берган муҳим ҳўжат бўлди.

(Давоми 3-бетда)

ШУНДАЙ ОДАМЛАР БОР

«Муаллимлик касби айрим жиҳатлари билан боғбонликка ўхшайди. Боғбон ўзи эккан дарахтларнинг мевага кирганини кўриб қанчалик севиנסа, устоз ҳам ўз шогирдларининг қамолдан шунчалар қувонади. Ҳар иккала касбининг захмат ва машаққати, қувонч ва ташвиш ҳам бир-биридан қолишмайди».

Бу - Ғайбулла муаллимнинг ҳаётий фалсафаси. У ана шу ҳақиқатни ўзининг ҳалол меҳнати, ғайрат-у шижоати

БОҒ ЯРАТГАН МУАЛЛИМ

билан исботлаб берди. Ўттиз беш йилдан буён Ургант шаҳридаги 86-урта мактабда ўқувчиларга тарих фанидан сабоқ берди. Шу билан бирга тоғ этагидagi сувсиз адирларда қуркам боғ-роғлар яратиб, элнинг олқишини олди. Бугун Ғайбулла Нарзикуловнинг қўлида тахсил олган юзлаб шогирдлар ҳаётда ўз йўлини топиб кетган, у яратган боғлар ҳосилга кирган.

(Давоми 4-бетда)

«ЖАМИЛШО ВА ШАЙТОНИЙ НАҒМАЛАР»

Ямин Қурбон юқоридаги умумий сарлавҳа остида бадий фелъетонлар туркумининг ёзди. Қуйида келган айрим намуналарни ўқийсиз.

ЖАМИЛШО ВА ГАШТАК

«Меъда томуғимки», эрур душмонинг, Тўймағусидир агар, ича қонинг»,
Хайдар ХОРАЗМИЙ

Наҳорги олдан келатувдик, Чорраҳага етганимизда шомолда қолган шак ту хурмодек тебрана-тебрана қиқирлаган Жамилшо менга имо қилди:
-Хув, кўрдингизми!
-А, ким ўзи у?
-Мадраса муллаваҳчаси Каримиддин-ку, таннимдингимзи. Калта Хусан бор-ку, шунга қўшни. Хи-хи-қўлини бетиға бурлиб келди.
-Ие, нега бундай қиялпти?
-Мени кўрса совуғи ошади.
-Нега?
-Негалигини билгингиз келаяпти-а, унда эшитинг. Хи-хи-хи, ўтган йили, во, одам қурибиди, денг-а, гаштагимизга йўналишган таёкдек суқилиб кириб олса бўладими. Кимниқидга йиғилмайлик, у кишим ичкиликни қоралайдилар. Аввалгиди индамадик. Бора-бора ҳиқилдоқа келди. Ахир бир қишига икки ишшадан оқбола бўлмаса, ўлтириши, айтинг, ўлтириши бўладими; гаштакнинг лаззати қаерда қолади?! Охири мен ўзим шартта кўтарасавдо қилвораколдим. Иложи қанча, пирт этди, чикди-кетди. Ана шундан бери қорамни кўрса, ҳудди товуқхона ёнидан ўтгандек ўхчиғи тутуди, афтини терс бурлади.

«тамуғ-дўзах

(Давоми 4-бетда)

БУНИ ХАЁТ ДЕЙДИЛАР...

ОТ ИЗИНИ ТОЙ... БОСМАДИ

Кишлоғимизда илгари серсоқол нуроний бобойлар кўп бўларди.

Уруш йиллари бригадир бўлиб, қаттиққўл инсон сифатида ном чиқарган Турғун бобо асли чавандоз эдилар. Хар йили қурбон ҳайити кунлари эса ота-онанинг, хотинининг арвоқларини шод қилиш учун битта катта қўйни ағдариб, дошқозонда элга шўрва таркатарди. Афсуски, у кишининг вояга етган уч нафар ўғли отасига мутлақо ўхшамади. Оёғи гўрга яқинлашган сари бобой бундан жуда ўқсинарди.

Бахтига катта невараси Шодиқулда ўзиники каби фазилатларни сеза бошлаганди. Бор мулкни шу набирасига мерос қолдиришни кўнглига туғиб ҳам қўйганди.

Вақт-соати етиб, Турғун бобо тушакка михланиб қолди. 6 хонадан иборат чўпқари ховлиси, чўпқари оғили, бос-тирмаси, 2 та оти, 20 тақа қўй-қўзилари, товуқлари, 2 та ситири, новоси ташвиши набираси Шодиқулнинг зиммасига тушганди.

Бир кунги кечаси бобой жуда оғирлашди. Уч ўғил, келинлар, набиралар, қишлоқдаги қариялар йиғилишди. Турғун бобо ёнига ўғилларини эмас, Шодиқулни чорлади. Бошқа вилоятлардаги чавандоз жўраларига зудлик билан хабар беришни ўқтирди. Сўнг бутун уруғларини чақириб, меҳр, ўзаро оқибатни йўқотмаслик ҳақида маслаҳатлар берди. Ховли-жойи, мол-қолларини ўғилларига эмас, набираси Шодиқулга мерос қолдираганини айтишга қўйди.

Тонг саҳар Турғун бобо дунёни тарк этди.

...Уч ўғил эмас, фақат Шодиқул ака хар йили бобоси ва момосининг арвоқига қон чиқаради.

Маҳсуд БАХРОМ ўғли

САХОВАТ

«Хорманг, Исмаатжон? Қўшни маҳаллалик Бойқўзи акани биринчи бор ос-тонасида кўраётган Исмаат довдираб қолди. Қизаринди.

Бойқўзи ака билан яқиндан таниш бўлмас-да, у билан тўй-маъракаларда салом-алиқ қилар, салобатли, ҳамма хурмат қиладиган бу инсоннинг ўзига тўқ, бадавлат оила соҳиб эканлигини, саховатпешалигини эшитган эди.

«Нимага кепти?» миясига келган бу ўйдан ўзи уялиб кетди. Дарров меҳмонни ичкарига таклиф қилди.

«Келинг, Бойқўзи ака, киринг ичкарига!» – Исмаат айнаи дамда кўримсиз хужраси, сал нарида қўйни оғзига солиб хайратланган турган ўғилчаларининг юпун қийими-ю, сувоқлари кўнган пешафони – ҳамма-ҳаммасидан ийманар, бу «кат-та» меҳмонни қаерга ўтказишни билмай қаловланарди.

«Хожати йўқ, Исмаатжон... Йўлим шу томонга тушганди, шунга бирров қилиб кетай, дегандим... Бу, дейман, деҳқончилик қиляпсизми? Бойқўзи ака кичкина ерда па-лакларни ёйилиб ётган бодрингга ишора қилди.

«Болаларнинг ризқи, деб экувдик. Ҳўжалиқдан гектар-лаб ер олишга пул қаёқда. Шу бодрингни... хар кун икки-уч челақ чиқади, бекат ёнидаги бозорчага олиб чиқаман. Хар ҳолда беш-ун сўм пул бўл туради. – Исмаат шундай дер-кан, хаёлида «Нимага алдаясан? Гурур йўл қўймаптимми? Хар кун олиб чиққан бодрингнинг нари борса бир-икки килоси сотилади-ку... Бу қишлоқда ҳамманнинг томорқаси бор, ҳамма ўзининг томорқасидан бодринг ейди-ку», дея ўз-ўзини койирди.

Бойқўзи ака ҳеч нарсани сезмагандай жилмайиб турарди.

«Эшитдим, Исмаатжон, бодрингларингизнинг мазасини ҳам татиб кўрдим. Янгангиз бодрингдан консерва қилаётган эди, шунга сотасизми, деб ...

«Лекин... Оз-да! Хар кун атиги бир ёки икки челақ чиқади. – Исмаат шовиш қолди.

«Хар кун ўғилларинг келиб, қанча чикса, барини сотиб олиб кетади. Келишдикими?»

Исмаат ўзида йўқ курсанд, хар ҳолда хар кун шу экин-дан ўзига яраша даромад қўрпаяпти. Яна айтилган нархдан ошқироқ пулни тўлаб кетади барака топгур Бойқўзи аканинг ўғиллари.

Бир кун пешингача кутди, негадир сахий харидордан хабар бўлмасди. «Бозорчага олиб чиқсам, кутмапти, деб хафа бўлмасмикан? Исмаат шу хаёлда Бойқўзи аканинг ма-ҳалласи томон йўл олди. Мукташам дарвоза ёнида тўхтади. Дарвозани очган Бойқўзи аканинг юзидан нур ёғил-гандай бўлди.

«Келинг, Исмаатжон... Ўғилларинг шаҳарга кетишганди, энди жўнатмоқчи эдим, – кўярда-қўймай ичкарига бошлади. – Ҳозир ўғлимни сиз билан қўшиб жўнатаман, – шундай дея Бойқўзи ака ичкарига кириб кетаркан, Исмаат турган ерида тошдай қотганди. Кичкина томорқасидан тўрт-беш баробар келадиган майдонда бодринг палакларни ёйилиб ётар, қран остига қўйилган челақ барра бодринглар билан лик тўла эди.

Фарида МАҲҚАМОВА

ҚИММАТГА ТУШГАН ОШ

Яқинда бешта курсдош учрашиб қолдик. Кўришмаганимизга ача бўлди, бир маза қилиб ўтирмаймизми? – дея гап ташлади Воҳид. Бу гап йиғитларга ҳам ёқиб тушди. Зиёфатга Бахтиёр маъсул бўладиغان бўлди.

Белгиланган вақтда йиғилдик. Дастурхон рисоладагидек ясалган. Биргина ош кам. Паловхон туранинг тортилишига барча бирдек интиқ. Шу пайт Иззат талабаликдан «мерос» бўлиб қолган қурумсоқлик «мева»си – макарон бўтқа олиб келса бўладики. Шергим иккаламиз ажабланганимизни яшира олма «мана ош», деб бир-биримизга маъноли қараб қўйдик. Қарасак, ҳеч қимдан садо чиқмапти. Андишани йиғиштириб, нима, бугун ош емайимизми, деб сўрадим Бахтиёрдан.

«Масаллиқ йўқ эди. Бозорга тушиш керак, – қаловланди у.

Эътибор берсам, мезбонларнинг бозорга бориш нияти йўқ. Ташаббусни қўлга олиб шергим иккаламиз йўлга тушдик. Рўйхатда ёзилган нарсаларни харид қилиб қайтдик. Қайтиб келгач, таррадудни бошладик. Сабзи тўраб бўлинган маҳал Иззат: «кайнатма ош қиласизларми», деса бўладими. Биласак, дўстимизнинг ош қўйишга ҳам йўқ экан. Нима қилишгаям ҳайронимиз. Бироқ ҳамма ош ейиш иштиёқиди.

Хуллас, ўша кун тун яримдан оқанда ўзимизнинг пу-лимизга ош қилиб едик. Шундан сўнг «меҳмондўст» Бахтиёрни қўганимизда «палов емайимизми», деб ҳазиллашадиган бўлдик.

Раҳмон САИДОВ

«ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

Газетамизнинг 17 июл сониди ана шу сарлавҳа остида танқидий мақола эълон қилинганди. Таҳририятимизга мақолада кўтарилган муаммолар юзасидан жавоб хати йўлланди. Унда жумла-дан шундай дейилади:

«Текширишда мақолада келтирилган фактлар тасдиқланди. Аниқланишича, Республика тест марказининг таҳлилий натажаларига қўра, Сурхондарё вилояти ўқувчиларининг олий ўқув юрталарига

махсус маълумотли эканлиги, 38-мактабдаги 9 нафар бошланғич синф ўқитувчиларининг эса барчаси ўрта махсус маълумотли эканлиги қайд этилган бўлиб, текширишда ушбу фактлар ўз тасдиғини топди.

Шунингдек, мақолада тумандаги 5, 15, 22, 38-сонли мактаблар компьютер билан таъминланмаганлиги қайд этилган бўлиб, текширишда ушбу фактлар ҳам тасдиқланди. Яна шуни таъкидлаш лозимки, тумандаги жами 56 та

«ҲОЛИНГ НЕЧУК, МАКТАБЖОН?»

қабул қилиниши самарадорлиги бўйича 2002 йилда охириги ўринлардан бирини, яъни 12-ўринни эгаллагани.

Мактаб ўқувчилари орасида 2003 йилда 17 та фар бўйича ўтказилган Республика олимпиадасида вилоят ўқувчиларидан 1 нафари иқтисодий билим асослари фани бўйича 2-ўринни эгаллаган, холос.

Ҳозирги кунда вилоятдаги мавжуд 822 та мактабнинг атиги 230 таси ёки 28,5 фоиз компьютер билан таъминланган. Жами 70 та мактаб таъмирлашга муҳтож. Газлаштирилмаган мактаблар сони 528 тани ёки 64,4 фоизни, ичимлик суви билан таъминланмаган мактаблар сони эса 179 тани ёки 21,7 фоизни ташкил қилади. Бундан ташқари, вилоят бўйича 22 та мактабнинг қурилиши тўхтатиб қўйилган. Фанлар бўйича 474 нафар ўқитувчи етишмайди.

Вилоятда олий маълумотли ўқитувчилар сони мақолада кўрсатилганидек, 2002 йилдаги 21920 нафардан 2003 йилда 21511 нафарга камайган.

Ўрта махсус маълумотли ўқитувчилар сони эса 2002 йилдаги 11434 нафардан 2003 йилда 12657 нафарга кўйилган.

Мақолада Жарқўрган туманидаги 22-мактабнинг бошланғич синфларда фаолият кўрсатаётган 8 нафар ўқитувчилардан 1 нафари олий маълумотли, қолганлари ўрта

мактабнинг 14 таси ёки 25 фоизи компьютер билан таъминланган, холос.

Жорий йилда тумандаги 15-мактабни капитал таъмирлаш учун 4500 минг сўм ажратилган. Жорий таъмирлаш учун эса 22-мактабга 190 минг сўм, 38-мактабга 182 минг сўм ажратилган. 5-сонли умумий ўрта таълим мактабига жорий ва капитал таъмирлаш учун маблағ ажратилмаган.

Шунингдек, 15-мактаб бўйича иш ҳақидан 2003 йилнинг июн ойи ҳисобидан 2500 минг сўм, 38-мактаб бўйича эса 182 минг сўм қарздорлик мавжуд.

Текширишда 2002 йилги пахта йиғим-теримида тумандаги мактабларнинг 8, 9, 10 ва 11-синф ўқувчилари 7 сентябр кунидан 11 ноябр кунига қадар жалб қилинганлиги аниқланди.

Мақола юзасидан ўтказилган текширишда унда келтирилган бошқа фактлар ҳам тасдиқланди.

Текшириш натижасига қўра, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан Жарқўрган тумани прокуратураси томонидан туман ҳокимлигига, вилоят прокуратураси томонидан эса вилоят халқ таълими бошқармасига тақдимнома киритилди.

Б.НУРМУҲАМЕДОВ,
Сурхондарё вилоят прокурори, адлия катта маслаҳатчиси».

ЖЎМРАКСИЗ КРАН

Яқинда бир дўстимнинг уйига бориб, галати манзаранинг гувоҳи бўлдим. Ҳовлининг ўртасидаги крандан шариллаб сув оқаяпти. Эътиборимни тортгани шу бўлдики, кран жўмрагини ёпиш ҳеч қилинган хаёлига ҳам келмаган.

Ажабланганимни яшира олма, «суви ёпиш қўймайсизми?» дея сўрадим ундан. «Жўмраги бузилибди, тузатишга вақт йўқ, – дея жавоб берди дўстим бамайлихотир.

Уйлаб қолдим. Биргина эътиборсизлик оқибатида давлатимиз бюджетига қанчадан-қанча зарар етказилляпти. Қолаверса, бебаҳо бўлган ичимлик суви исроф бўляпти. Арзиманган нарсалар туюлган бу хатоликлар оқибатида катта йўқотишлар бўлишини кўчқилигимиз ҳали тушуниб етмайлмиз ҳам.

Маҳалладан чиқмасидан ана бир жўмраксиз кранга дуч келдим. Узун-кўн бу каби кранлардан қанча микдордаги ичимлик суви оқаёган айланаётганини энди ўзингиз уйлаб кўраверинг. Бундай бузуқ кранларга жўмрак ўрнатиб қўйдиган мардинг йўқлиги таассуфланарли, албатта. Маҳалла оқсоқоллари ҳам сувининг «шар-шар»идан зақ оладилар, шекилли. Булмас бунангаки исрофгарчиликларга йўл қўйишмаган бўлармиди. Буларнинг барчаси ички маданиятимиз, маънавиятимизнинг сазўлигига бориб тақалади.

Кизи ўз эҳтиёжидан ортиқ сув сарфлаши ҳам аслида исрофгарчиликнинг

СУВ – БУ ҲАЁТ

Мутахассисларнинг фикрича, инсон организмидagi ҳужайраларнинг 70-85 фоизи сувдан ташкил топган бўлиб, айнан сувдаги табиий хусусият ва витаминга бой минераллар инсон танасини поклаб туради. Шу боис ҳам одамзот егулик тановул қилмасдан 25-30 кун яшаши, лекин сувсиз эса атиги 5-7 кун жон сақлаши мумкин экан.

Сувдан оқилана фойдаланиш, чекимиздан ортинги ишлатмаслик, аввало, ўзимизга боғлиқ. Аммо айнаи ёз кунлари тарвуз, қовун, меваларни сув тағида совутиб қўйишнинг ўзи топишмас керак. Автоматизация ичимлик сувига ювётган «ака»ларимизни гапирмасам бўлади. Йўл четидagi ариқларни чиқиндилар билан ўзимиз тўлдириб қўйганми. Бу ҳолатларни қурганимизда хар бир хонадонга сув ўлчлагич асбобларнинг ўрнатилаётгани озорқ бўлса-да, таскин беради. Зора шу орқали қон-қонимизга сингиб кетган «ань-

аналар»га барҳам берсак.

Статистик маълумотларга қараганда, республикамизнинг 4,3 миллион гектар ер майдонида деҳқончилик қилинади. Бу эса умумий ҳудуднинг атиги 10 фоизини ташкил этади. Мамлакатимиз аҳолисининг 95 фоизи ана шу майдонларда истиқомат қилишини ҳисобга олсак, «сув бор жойда хаёт бор» ҳикмати-нинг нақадар топиб айтилганига амин бўламиз.

Инсон қанчалик уринмасин, табиат қонунини ўзгартира олмайд. Унга нисбатан қўпол муомалада бўлиш эса ке-чириб бўлмас хатоларга олиб келади. Бунинг қанчалик рост эканлигини «Орол муаммоси» ана бир ҳолат эслатиб қўйди. Мутахассисларнинг хулосасига қўра, Орол денгизини ўз холига қайтариш учун йилга 40 миллиард кубометр сув қўйилиши керак экан. Агар Сибир дарё-лари ўрта Осиёга бурилса, бир йилда ўртача 25 миллиард кубометр сув олиб келишга эришилади. Лойҳани амалга ошириш учун йилга 20 миллиард АҚШ доллари сарф қилиниб, 40 йил муддат керак бўлади. (Бу албатта, мутахассислар фикри). Мана, табиатга қилинган биргина зуғум инсон учун нечоғли қим-матта тушишининг ёрқин мисоли...

Саховатпеша табиатнинг мўъжизалари кўп. Лекин унда инъомларни асраб қолишдек имконият йўқ. Шундай экан, инсон ўз ҳаётида табиий ресурслардан оқилана фойдаланиб, уларни келажак авлод учун асраб қолиши зарур. Зеро, ақлли одам келажакни уйлаб иш қўради. Эртанги авлод учун қайгуради.

Саид РАҲМОНОВ

БОЛАЛАР ШИФОХОНАСИ

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг «Оила» соғломлаштириш марказида кундузги болалар стационари очилди.

Унда кам таъминланган оилаларнинг уч ёшдан ўн икки ёшгача бўлган фарзандлари тиббий текширувдан ўтказилмоқда.

Айнаи пайтда кундузги стационарга ўн нафар бола қатнамоқда. Текшириш пайтида уларнинг иккитасида камқонлик ва пиелонефрит касаллиги аниқланди. Болаларга педиатр, терапевт, кардиолог ва бошқа ихтисосликдаги шифокорлар хизмат кўрсатмоқда.

СУРАТЛАРДА ВАТАН СИЙМОСИ

Ўзбекистонлик беш нафар ёш рассом Харков шаҳрида ўтказилган «Қора рангларсиз дунё» халқаро фестивалида иштирок этди.

Ёш ижодкорларнинг сафари Ўзбекистон Бадий академияси, «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси ва «Камал» болалар ранг тасвир студияси томонидан ушғиртилди.

Маълумотла иштирок этган болалар «Ер сайрасига тинчлик» бадий тасвирида голиб чиққанлар ҳисобланади. Болалар учун махсус машғулотларни Харков Бадий галереясининг танқил расмолари, шунингдек бошқа республикалардан келган мутахассислар олиб боришди.

Машғулотлар якунида ўзбекистонлик болалар Харковда ташкил этилган кўргазмада иштирок этишди. Улар ўз ижодларида ватан сиймосини маҳорат билан акс эттириб, томошабинлар ва хайъат таҳсинига сазовор бўлишди.

«Туркистон-пресс»

«ЗАНГОРИ ОЛОВ» - БОЛАЛАР ОРОМГОҲИ

ТОШКЕНТ. (ЎЗА МУХБИРИ ЭЛМУРОД ЮНУСОВ). Инсон ресурсларини ривожлантириш Ўзбекистон-Япония маркази (UJS) вакиллари Тошкент вилоятидаги Бўстонлик туманида жойлашган «Зангори олов» болалар оромгоҳига ташир буюрди.

Мазкур марказ 2000 йил октябр ойида икки мамлакат ўртасида имзолаган келишувга қўра ташкил этилган. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ҳамда Япониянинг халқаро ривожланиш агентлиги марказининг таъсисчили ҳисобланади.

Япониялик меҳмонларнинг «Зангори олов» оромгоҳига қизқиши бежиз эмас. Оромгоҳда АҚШ пойтахти Вашингтонда жойлашган The Hospitality and Information

Services халқаро ташкилоти билан алоқа қилувчи Меҳмондўстлик ва ахборот хизматлари республика жамоат ташкилоти қошидаги «Интеллектуал ёшлар» ўқув марказида таълим олаётган болалар дам олмақда.

«Интеллектуал ёшлар» маркази 2002 йилда ташкил этилган бўлиб, асосан ёшларга таълим бериш ва уларнинг муаммоларини ўрганиш билан шуғулланади.

Марказ директори Дилмуҳаммад Камоловнинг таъкидлашича, 120 дан ортиқ ўқувчи бу ерга нафақат дам олиш, балки инглиз тилини ўрганиши давом эттириш мақсадида келган.

Япониялик меҳмонлар оромгоҳда дам олаётган болаларнинг ўқув машғулотлари кузатиб, улар билан турли спорт мусобақаларида иштирок этиди.

(Боши 1-бетда)

«Бир қишлоқданми, бир томир – бир ҳовид», – дейди Ганижон ака. – «Партсвезд»да шунча ишлаганларинг етар, энди бизга ўтиб, чорванга ўзларинг қўлга олмасанлар ҳолимиз чатак. Бош сонлари ҳам, махсуддорлик ҳам йилдан йилга камайиб кетаяпти.

«Қандай бўларкин, – дейди Холмат ота, – ўн тўрт жонимиз, келин-кечакли катта рўзгоримиз, шароит, уй-жой демок... қийналиб қолмасмиканми?»

«Бўғидан хотиржам бўлинглар, – дейди шунда раис бува, – қолғузда етти-саккизта пишқ гийшдан замонавий кооператив уйлар қураямиз. Шу уйлар битиши билан биринчиси сизларга берамиз.

Хуллас, раис бува ваъда-и қуёқ қилиб, Нурматовларни ўз ҳўжалигига ўтишга қўйдиради. Ва... берган ваъдаси устидан чиқади ҳам. Нурматовларга «ҳўжалик чорвачилигини юксалтиришдаги фидойиларни учун» орадан икки йил ўтиб, пишқ гийшдан қурилган олти хоналик янги уй қалитини тантанали равишда топширади.

Холмат бува ўғиллари, келинлари, неваралари билан янги уйга кўчи киради. Холмат бува гарчи уй муқофот тариқасида берилган бўлса-да, ҳўжалик билан келишилганидек, унинг ярим нархини, солик ва суғурта тўловларини вақти-вақти билан тўлаб боришни ҳам унутмайди...

Чорвадор ҳаётини чорвада ишлаган, жилла курса бу соҳага яқин бўлган одам яши биледи. Ҳўжаликнинг 200-300 бош қорамоли масъулиятини ўз зиммасига олган чўпон оиласининг юки, кўч-кўрнин доимо елкасида туради. Бугун бу адирда бўлса, эртаси нариги қирда. Индини тоғда, яйловда. Чўпон ҳам, унинг бола-чақаси ҳам олий дағиллама уйини қолдириб, молхонаси, қўраси ёнида яшашни маълум қўради. Шароит шуни тақозо этади.

Нурматовлар ҳам чорвасига яқин

ҚАРШИ. (ЎЗА, Ф.БОЗОРОВ). «Қаршитермопласт» заводиди эллик хилдан зиёд маҳсулот тайёрланмоқда. Хусусан, турли ҳажмдаги енгил полиэтилен қувурларни мамлакатимиздаги кўллаб қурилши ва саноят қорхоналари бажону дил сотиб оляпти.

"ҚАРШИТЕРМОПЛАСТ"НИНГ ДАДИЛ ОДИМЛАРИ

Ўтган йилларда эришилган натижалар қорхона маҳсулотларига талаб ортиб бораётганини кўрсатади. Бундан икки йил илгари «Қаршитермопласт» харидорларга 112 миллион сўмлик маҳсулот сотган эди. Жорий йилнинг ўтган олти ойида эса истеъмолчиларга 804 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилди. «Қаршитермопласт»га нафақат Қашқадарё, балки қўшни вилоятлардан ҳам буюртмалар қўйилмоқда.

Яқиндан бошлаб қорхонада полиэтилендан газ қувурлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Демак, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турли ва ҳажми янада ошади.

қилиш учун уни БТИ (уй-жойларни рўйхатга олиш идораси)га йўллашди. БТИ муҳандиси уйни қўриб, ҳужжатлаштириш учун Олимжон хамроҳлигида Фовага келди.

Икки орадаги «парда» худди шу «ташир» тўфайли кўтарилади. Гулнора «уйни мен сотиб олганман, у тағ-туғи билан менга тегишли», деб ажаканон солди. Ханг-манг бўлиб қолган Олимжон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Турсунбой Далабоев ҳузурига боради. Оқсоқол адо-

лат билан иш тутганда «тўғри, меннинг кўп бор қулган илтимосимга қўра, Гулнора Эргашева вақтинча уйга турибди», дейиши керак эди. Аммо у бетини каттиқ қилиб, «Фова» ширкат ҳўжалиги уйни Фова қишлоқ фуқаролар йиғини балансига ўтказиб берган», дейди. БТИ ҳодимининг уйни ўлчашига йўл қўймайди. Олимжон маслаҳат билан туман Ер кадастри идорасига мурожаат қилади. Бу ерда эса Фовадаги кооператив уйлар хали кадастрдан ўтмаганлиги ойдинлашади.

Қишлоқ оқсоқолининг бу қадар юзсизлиги, адолатсизлигини кўтмаган Олимжон оқсоқолини ва уйига вақтинча киритилиб, эндиликда эғалик давло қилиш инсофдан бўлмас, хали ҳам бўлмас Нурматовлар учун тегишли ташкилотларга учраб, уйни ўз номларига расмийлаштириб олишининг имкони ҳам йўқ эмасди.

Олимжон шу мақсадда ўзларига тегишли ҳовли-жойга эғалик ҳужужини белгилаб, қарор чиқариб беришларини сўраб, Чуст туман ҳокимига ариза билан мурожаат қилади. Ҳокимиятдагилар ўз навабатида, уй ҳужжатларини тайёрлаб

қилиш учун уни БТИ (уй-жойларни рўйхатга олиш идораси)га йўллашди. БТИ муҳандиси уйни қўриб, ҳужжатлаштириш учун Олимжон хамроҳлигида Фовага келди.

Икки орадаги «парда» худди шу «ташир» тўфайли кўтарилади. Гулнора «уйни мен сотиб олганман, у тағ-туғи билан менга тегишли», деб ажаканон солди. Ханг-манг бўлиб қолган Олимжон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Турсунбой Далабоев ҳузурига боради. Оқсоқол адо-

лат билан иш тутганда «тўғри, меннинг кўп бор қулган илтимосимга қўра, Гулнора Эргашева вақтинча уйга турибди», дейиши керак эди. Аммо у бетини каттиқ қилиб, «Фова» ширкат ҳўжалиги уйни Фова қишлоқ фуқаролар йиғини балансига ўтказиб берган», дейди. БТИ ҳодимининг уйни ўлчашига йўл қўймайди. Олимжон маслаҳат билан туман Ер кадастри идорасига мурожаат қилади. Бу ерда эса Фовадаги кооператив уйлар хали кадастрдан ўтмаганлиги ойдинлашади.

Қишлоқ оқсоқолининг бу қад

БОҒ ЯРАТГАН МУАЛЛИМ

(Боши 1-бетда)
 -Болалигимдан тарихга кизикардим, - хотирлайди ҳамсуҳбатимиз. - Институтга кирган йили мактабда дарс ҳам бера бошладим. Умр - оқар дарё, деганлар руст экан. Салкам кирк йил кўз очиб юмгунча ўтди кетибди-я! Мана, уч йилдан бери нафақадан. Хозир эрмагим ҳам, овуначоғим ҳам мана шу боғ.

бу йўлдан қайтармоқчи ҳам бўлишди. Хатто... ишонмасиз, ўғилларим билан адирга кўчиб чиққанганимни кўриб, мени ақдан озганга чиқаришди. Лекин, қарорим қатъий эди. Хар кун дардан тўғри шу ёққа келаман. Ўғилларим билан ерни текислаб, жўяк очамиз. Адирнинг юза қисми бир метр га чўрроқ тупроқдан иборат. Учуллашиб ёрнинг юза қатламини сидириб паства туширдик. Фақат белурак ва кетмон билан бир гектарга яқин жойни яроқли ҳолга келтирдик. Тортилган жўякларда беш-олти хил навали тоқ кўчатларини ўтказдик. Олма, ўрик, шафтоли, гилос, навшати, анжир, беҳи, олча, охўри... боринги, бизнинг иқлимда ўсадиган мевави дарахт борки, ҳаммасининг кўчатидан ўтказиб чиқдим.

супа лабиди қулф уриб очилиб ётган атиргуллари кўрсатиб.
 Муаллим ўз одатига мўлжим жимлашди:
 -Нима десангиз денг-у, гулнинг ҳақиқий шайдосиман. Ховлимда ҳам турфа хил гуллари кўқартганман, - дейди гулзорга завқ билан тикилиб. - Фақат сув камлик қилляпти. Бўлмаса, гуллар бундан ҳам гуржираб кетган бўларди.
 Муаллим билан боғ айланамиз. Домланинг меҳнат-қашлиғига, матонатига ичимиздан таҳсин айтамыз. -Мевали дарахтлар минг тулға етиб қолди, - дейди Файбулла ака йўл-йўлакай. - Бундан ташқари, терак, тол, қайрағоч каби манзарали дарахт кўчатларини ҳам эканмиш. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, хар бир дарахтни ўз боламдай кўраман. Уланг хар бири билан сирлашаман, дардлашаман. Улар мени эшитишди, тушунишди. Бирортасига шикаст етгудай бўлса, ўзининг ҳам жоним зиқирайди. Анави ерга турт тул ўрик экандим. Илдизини кўришчон кемилариб ташлабди. Туртовиман нобуд бўлди. Шунанг ичим ачишди. Хатто, ўша ўриклар тушларимга кириб чиқди...
 Домла билан суҳбатлашган чоғингизда сираям зерик қолмайсиш. Файбулла ака ўзбекиона лутф, латифага асқини жонидан ортқ куради. Матбуотда тарихий мавзуларда чиқиллар ҳам қилиб туради. Бирок, у кишининг боққа, боғбонликка меҳри барибир бўлакча. Бу меҳр унинг юзи, кўзи, сўзларидан яқроқ кўриниб туради.
 Домланинг тиниқ юзи, барваста қомати, куч ёғилиб турган билаклари, биттаям оқ ораламаган қалин сочларини кўриб, унинг олтишни қоралаб қолганига сира ишонмайсиш.
 Шу меҳр, шу самимият, fairату шижоат ва сарғайрат инсонни асло тарк этмаса, деймиш.
Рустам ЖАББОРОВ

Богборлик ҳам қонингизда бордир? - сўраймиш у кишидан.
 -Ҳа, отамиз ҳам катта боғбон ўтганлар. Шўро даврининг 30-йилларида, жамоалаштириш авжига минган кезларда отамнинг 2 гектардан ортқ боғларини тортиб олишган экан. Бундан ўн йилча илгари менда ҳам ота касбини давом эттириш истаги пайдо бўлганди. Хўжалик раисига учрашиб, ер сўрадим. Биласиз, биз томонларда ер бироз танқис. Шу сабабли раисимиз "адирдан истаганча ер олиб, ишлайверинг", деди. Аввалига "сўвиз адирда боғ унармикин?" дея иккилиб турдим. Кейин эса таваққал, дея икки ўғлим билан иш қилишдик.

Хикоятан ҳам тоғ этагида барпо этилган бу сўлим маскан хар қандай меҳмоннинг дилини яйратади. Боғ тепасидаги шинамгина супада, ишқом соясида, бир пиёла кўк чойни хўлаб, бир соатгина ўтирсангиз, бутун чарчоғингиз ёзилди кетади. Тинимсиз эсиб турадиган оромбахш тоғ шабадасини айтмайсишми?
 -Э, биз томонларга баҳор пайти келсангиз-да! Нақ жаннатнинг ўзи дейсиз. Қир-адирларга ям-яшил гилам тўшалгандай. Анвойи гиёҳлар, турфа хил гуллари ай-тмасам бўлади.
 -Булар-чи? - сўраймиш

ни эстрада усулида айтишга хожат бўлмаса керак.
 -Шоғирдингиз, марҳум санъаткор Охунжон Мадалиев номига абадийлаштириш борасида қандай ишлар амалга ошириляпти?
 -Шоғирдин, элимизнинг суйган санъаткори Охун-

Бешинчи қаватда беш дақиқа суҳбат

Куй... кўшиқ... унинг сөҳри кимларни ўзига мафтун этмаган дейсиз?! Вуждингизга ҳорғинлик инганида, қалбингизни губор қоплаб, нохуш ҳислардан лоҳас бўлган кезларингизда ҳам куй-кўшиққа суянасиз, ундан мадад оласиз. Ўзбекистонда хизмат курсатган артист Қилчбек Тожиев билан суҳбатимиз, дилга малҳам бағишловчи мусиқа оламининг хали биз билмаган қирралари хусусидаги мулоҳазалар билан бошланди.

ни эстрада усулида айтишга хожат бўлмаса керак.
 -Шоғирдингиз, марҳум санъаткор Охунжон Мадалиев номига абадийлаштириш борасида қандай ишлар амалга ошириляпти?
 -Шоғирдин, элимизнинг суйган санъаткори Охун-



жоннинг кўшиқлари ҳаммага манзур эди. Яқинда республика овоз ёзиш студияси томонидан унинг сараланган кўшиқлари жамланган видеокассетаси санъат шинавандалари ҳуқмига ҳавола этилди.

“ЯХШИ ҚЎШИҚ - ДИЛ МАЛҲАМИ”

Ижодий фаолиятингиз ҳақида икки оғиз...
 -Мақтабда таълим олган кезларимда мусиқа ўқитувчим, "Добоча" тўра раҳбари Саминжон Мирзазоновнинг менинг қўлимга рубоб тутказган, сабоқ берган устозимга қўлук қиламан. Сўнгра туман маданият уйи қошидаги "Зилола" ашула халқ ансамбли, севилими ва тангли санъаткорлар Қобулжон Юсулов, Мамуржон Тўхтасинов, Водий бўлбули марҳум ҳофиз Тавакқал ака Қодировларнинг санъатига меҳр қўйганман.

юнинг кўшиқлари ҳаммага манзур эди. Яқинда республика овоз ёзиш студияси томонидан унинг сараланган кўшиқлари жамланган видеокассетаси санъат шинавандалари ҳуқмига ҳавола этилди.

жоннинг кўшиқлари ҳаммага манзур эди. Яқинда республика овоз ёзиш студияси томонидан унинг сараланган кўшиқлари жамланган видеокассетаси санъат шинавандалари ҳуқмига ҳавола этилди.



Болалик - бегуборлик, билимга, спортга чанқоқлик, дегани. Сиз тасвирда кўриб турган мана шу болалар орасидан келгусида кимлар етишиб чиқмайдилар, дейсиз. Бири олим, бири санъаткор, яна бири машхур спортчи, киноактер. Бугун эса улар мазаза қилиб дам оlishмоқда.

Оқдарё туманидаги "Оқдарё" оромгоҳида 300 нафардан ортқ қишлоқ болалари учун барча шароитлар муҳайё этилган.
Сухбатдош: Мухтор СУЛАЙМОНОВ
 Анвар ҲАҚБЕРДИЕВ олган субат.

Богборлик ҳам қонингизда бордир? - сўраймиш у кишидан.
 -Ҳа, отамиз ҳам катта боғбон ўтганлар. Шўро даврининг 30-йилларида, жамоалаштириш авжига минган кезларда отамнинг 2 гектардан ортқ боғларини тортиб олишган экан. Бундан ўн йилча илгари менда ҳам ота касбини давом эттириш истаги пайдо бўлганди. Хўжалик раисига учрашиб, ер сўрадим. Биласиз, биз томонларда ер бироз танқис. Шу сабабли раисимиз "адирдан истаганча ер олиб, ишлайверинг", деди. Аввалига "сўвиз адирда боғ унармикин?" дея иккилиб турдим. Кейин эса таваққал, дея икки ўғлим билан иш қилишдик.

Хикоятан ҳам тоғ этагида барпо этилган бу сўлим маскан хар қандай меҳмоннинг дилини яйратади. Боғ тепасидаги шинамгина супада, ишқом соясида, бир пиёла кўк чойни хўлаб, бир соатгина ўтирсангиз, бутун чарчоғингиз ёзилди кетади. Тинимсиз эсиб турадиган оромбахш тоғ шабадасини айтмайсишми?
 -Э, биз томонларга баҳор пайти келсангиз-да! Нақ жаннатнинг ўзи дейсиз. Қир-адирларга ям-яшил гилам тўшалгандай. Анвойи гиёҳлар, турфа хил гуллари ай-тмасам бўлади.
 -Булар-чи? - сўраймиш

ни эстрада усулида айтишга хожат бўлмаса керак.
 -Шоғирдингиз, марҳум санъаткор Охунжон Мадалиев номига абадийлаштириш борасида қандай ишлар амалга ошириляпти?
 -Шоғирдин, элимизнинг суйган санъаткори Охун-

Богборлик ҳам қонингизда бордир? - сўраймиш у кишидан.
 -Ҳа, отамиз ҳам катта боғбон ўтганлар. Шўро даврининг 30-йилларида, жамоалаштириш авжига минган кезларда отамнинг 2 гектардан ортқ боғларини тортиб олишган экан. Бундан ўн йилча илгари менда ҳам ота касбини давом эттириш истаги пайдо бўлганди. Хўжалик раисига учрашиб, ер сўрадим. Биласиз, биз томонларда ер бироз танқис. Шу сабабли раисимиз "адирдан истаганча ер олиб, ишлайверинг", деди. Аввалига "сўвиз адирда боғ унармикин?" дея иккилиб турдим. Кейин эса таваққал, дея икки ўғлим билан иш қилишдик.

Хикоятан ҳам тоғ этагида барпо этилган бу сўлим маскан хар қандай меҳмоннинг дилини яйратади. Боғ тепасидаги шинамгина супада, ишқом соясида, бир пиёла кўк чойни хўлаб, бир соатгина ўтирсангиз, бутун чарчоғингиз ёзилди кетади. Тинимсиз эсиб турадиган оромбахш тоғ шабадасини айтмайсишми?
 -Э, биз томонларга баҳор пайти келсангиз-да! Нақ жаннатнинг ўзи дейсиз. Қир-адирларга ям-яшил гилам тўшалгандай. Анвойи гиёҳлар, турфа хил гуллари ай-тмасам бўлади.
 -Булар-чи? - сўраймиш

ни эстрада усулида айтишга хожат бўлмаса керак.
 -Шоғирдингиз, марҳум санъаткор Охунжон Мадалиев номига абадийлаштириш борасида қандай ишлар амалга ошириляпти?
 -Шоғирдин, элимизнинг суйган санъаткори Охун-

“ҚАМБАРНИНГ ОЛТИН СОЗИ”

“Амударёнинг нарбғида тенгдошларидан ўзининг худо берган истеъдоди, ширали овози билан ажралиб турадиган, талантда тенги йўқ бир йигит бор. Уни Отажон Худойшукуров дейдилар. Санъат буюстунининг эртанги булбулими, фахриям ўша йигит бўлади. Унинг овозида имконият чексиз-чекгарасиз”. Бу эътироф машхур санъаткор Комилжон Отаниёзовга тегишли.
 Устозининг башорати ўнгидан келди. Отажон Худойшукуров 50 йилгана ҳаёт кечирган бўлса-да, тириклигидеяк афсонага айланган санъаткор эди. У Ўзбекистон, Туркменистон, Қорақалпоғистон, Татаристон халқ артисти каби унвонларга сазовор бўлди. Бир умр тутилган гўшаси Тўртқўлда иждо қилди. Қишлоқда яшаш ҳам дунёга доврўк таратмоқ мумкинлигини исботлай олди.
 Хофиз Хоразм кўшиқларининг моҳир ижрочиси сифатида элга танилиб, 1000 дан зиёд кўшиқ ижро қилди. “Феруз” туркумидаги ашулаларга ўзгача жило бахш этди. “Қажанг”, “Яқларда”, “Кўшларда”, “Чапандоз” ва “Она суворлар”ларни қўйилмоқчи ижро қилиб, шухрат қозонди.



Бир умр тутилган гўшаси Тўртқўлда иждо қилди. Қишлоқда яшаш ҳам дунёга доврўк таратмоқ мумкинлигини исботлай олди.

Албатта, бундай мавгега эришишнинг ўзи бўлмади. Ижодга меҳри, санъатга юксак илоҳи, ваъдага вафоси билангина у Отажон Худойшукуров бўлиб етишди.
 Шоир Эркин Мадрохимов дўсти билан боғлиқ саргузашт-ли воқеани эслаб, шуларни хижоа қилади: “Ўзбекистон радиосида ишлар-дими. Отажоннинг кўшиқларини ёзиб олиш учун вақтини белгилаб, студия-ни тахт қилиб қўйдик. Аксига олиб хофиз Тўртқўлдан Тошкентга етиб келадиган кунни ҳаво ёмонлигидан самолёт ўча олмай қолди. Аммо Отажон Тўртқўлдан такси билан Нуқусга, ундан Гурьёвга, Гурьёвдан Қарағандга, Қарағанддан Чимкентга, Чимкентдан Тошкентга - студияга белгиланган саатда етиб келди”. Бу воқеа кўпчилик бугунги санъатга кириб келаётган ёшларга ибрат бўлса арзийди.

Албатта, бундай мавгега эришишнинг ўзи бўлмади. Ижодга меҳри, санъатга юксак илоҳи, ваъдага вафоси билангина у Отажон Худойшукуров бўлиб етишди.
 Шоир Эркин Мадрохимов дўсти билан боғлиқ саргузашт-ли воқеани эслаб, шуларни хижоа қилади: “Ўзбекистон радиосида ишлар-дими. Отажоннинг кўшиқларини ёзиб олиш учун вақтини белгилаб, студия-ни тахт қилиб қўйдик. Аксига олиб хофиз Тўртқўлдан Тошкентга етиб келадиган кунни ҳаво ёмонлигидан самолёт ўча олмай қолди. Аммо Отажон Тўртқўлдан такси билан Нуқусга, ундан Гурьёвга, Гурьёвдан Қарағандга, Қарағанддан Чимкентга, Чимкентдан Тошкентга - студияга белгиланган саатда етиб келди”. Бу воқеа кўпчилик бугунги санъатга кириб келаётган ёшларга ибрат бўлса арзийди.

Албатта, бундай мавгега эришишнинг ўзи бўлмади. Ижодга меҳри, санъатга юксак илоҳи, ваъдага вафоси билангина у Отажон Худойшукуров бўлиб етишди.
 Шоир Эркин Мадрохимов дўсти билан боғлиқ саргузашт-ли воқеани эслаб, шуларни хижоа қилади: “Ўзбекистон радиосида ишлар-дими. Отажоннинг кўшиқларини ёзиб олиш учун вақтини белгилаб, студия-ни тахт қилиб қўйдик. Аксига олиб хофиз Тўртқўлдан Тошкентга етиб келадиган кунни ҳаво ёмонлигидан самолёт ўча олмай қолди. Аммо Отажон Тўртқўлдан такси билан Нуқусга, ундан Гурьёвга, Гурьёвдан Қарағандга, Қарағанддан Чимкентга, Чимкентдан Тошкентга - студияга белгиланган саатда етиб келди”. Бу воқеа кўпчилик бугунги санъатга кириб келаётган ёшларга ибрат бўлса арзийди.

Буюк санъаткор вафотидан сўнг, Эллиққалъа тумани ҳокимлиги ташаббуси билан миллий кадрларни тиклаш, халқлар ўртасида маданият дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, кўшиқчилик санъатини анда ривожлантириш мақсадида 1999 йили Халқаро Отажон Худойшукуров жамғармаси ташкил этилган.
 Жамғарма раиси Ибодулла Саъдуллаевнинг айтишича, утган вақт мубоийида, хар икки йилда бир марта Отажон Худойшукуров хотирасига бағишлаб, “Қамбарнинг олтин сози” номли хонандлар кўрик-танловини ўтказиб келинмоқда. Шунингдек, Абдулла Орипов бошчилигида хар йили анъанавий равишда туманда “Мушоира этади давом”, “Шеърнинг байрам”лари ўтказилиб боришмоқда. Жамғарма шу каби Эллиққалъа тарихи ва бугунги кунига бағишлаб ўча рангли альбом, “Эллиққалъа наволари”, “Кўш соҳил бўлбули” китобларини нашр этди. Жамғарма марҳум хофиз табиятига мос тарзда савобини ишларини давом эттириб, олий ўқу юрталари ва коллежларда ўқитган 20 дан ортқ кам таъминланган талабаларга контракт тўловлари тўлашда ёрдам бериб, ўнлаб ёрдамга муҳтож оилаларга хайр-саховат кўрсатди.

Умид БЕКМУХАММАД,
 “Қишлоқ ҳаёти” муҳбири.

Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси жамоаси ўрмон уруччилик қорхонасининг собиқ раҳбари
Азиз Холхўжаевич БОЛТАХУЖАЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндошларига чўқур ҳамдардлик билдиради.

Бош муҳаррир
ЎТКИР РАҲМАТ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:
 Саид АҲМАД, Алияга АДИЛОВ,
 Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррирнинг ўринбосари), Фахр ШЕРМУХАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР:
 Ўзбекистон Республикаси Агроеконом комплекс тарихийдаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР:
 Кабулхона - 136-58-83,
 Бош муҳаррир ўринбосарлари - 133-16-27, 133-44-43, Котибият - 136-56-30, Ижодий гуруҳлар - 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42. Факс - 133-09-93, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
 Қорақалпоғистон Республикаси - 8-361-58-512-17;
 Андижон - 8-374-2-25-32-23; Бухоро - 8-365-22-322-25; Жиззах - 8-372-22-648-72; Намойи - 8-436-22-588-56; Наманган - 8 - 369-43-311-81; Фарғона - 8-373-61-221-97; Самарқанд - 8-366-233-00-52; Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Сирдарё - 8-367-225-41-73; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-623-50; Қўшқадарё - 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими
 телефони:
133-44-43,
136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ:
 700083,
 Тошкент,
 Мейбўлчиғар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар
 Навбатчи:
Р.ЖАББОРОВ